



Зулмдан сақланинглар! Зеро, зулм қиёмат куни зулмат бўлур. Зиқналикдан сақланинглар! Зеро, зиқналик сизлардан олдингиларни ҳалок этди

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулмдан сақланинглар! Зеро, зулм қиёмат куни зулмат бўлур. Зиқналикдан сақланинглар! Зеро, зиқналик сизлардан олдингиларни ҳалок этди - уларни ўзаро қонларини тўкишга ва ҳаром ишларни ҳалол қилишга олиб келди», - дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулмдан огоҳлантирдилар. Унинг турларидан: Одамларга, ўзига ёки Аллоҳнинг ҳақларида зулм қилишдир. Зулм - ҳақ эгасига ўз ҳаққини бермасликдир. Зулм Қиёмат куни ўз эгасига қийинчиликлар ва даҳшатлар зулматини ҳосил қилади. Шунингдек дунёга ҳарис бўлиб, қаттиқ бахиллик қилишни ифодалаган зиқналикдан ҳам қайтардилар. Молидаги ҳақларни адо этишда камчиликка йўл қўйиш ва дунёга қаттиқ ҳарис бўлиш зиқналикнинг турларидандир. Зулмнинг бу тури биздан олдингиларни ҳалок қилган. У бир-бирларини ўлдиришга ва Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳалоллаб олишга олиб борди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5787>

